

2008-3-сон

Судланувчига енгил жазо тайинлангани суд қарорларининг бекор бўлишига сабаб бўлди.

Жиноят ишлари бўйича Бухоро вилоят судининг 2007 йил 16 мартдаги хукмига асосан Рга ЖК 273-моддасининг 5-қисми билан ЖК 57-моддаси кўлланилиб 5 йил 10 ой озодликдан маҳрум қилиш жазоси тайинланган, ЖК 60,61-моддалари тартибида 6 йил озодликдан маҳрум қилиш жазосига судланган. ЖК 34-моддасига асосан ўта хавфли рецидивист деб топилган.

Жиноят ишлари бўйича Бухоро вилоят суди апелляция инстанциясининг 2007 йил 3 майдаги ажрими билан хукм ўзгаришсиз қолдирилган.

Суднинг хукмига кўра, Р. 30.000 сўм эвазига 6,3 грамм “марихуана” гиёхвандлик воситасини қонунга хилоф равишда И.га сотганликда айбли деб топилган. Тинтуб вактида уйидан 4,3 грамм “марихуана” гиёхвандлик воситаси топилиб ашёвий далил тариқасида олинган.

Суд Р.га нисбатан жазо тайинлашда ЖК 8-моддаси талабига ҳамда Олий суд Пленумининг 1995 йил 25 октябрдаги “Гиёхвандлик воситалари ёки психотроп моддалар билан қонунга хилоф равишда муомила қилишга оид жиноят ишлари бўйича суд амалиёти тўғрисида”ги қарорнинг 17-бандидага кўра, судлар бу туркумдаги ишларни қўришда жазо тайинлаш масалаларига алоҳида ёндошув қоидасига амал қилган ҳолда жиддий эътибор беришлари лозимлиги, гиёхвандлик воситаларини мунтазам равишда кўп миқдорда сотувчилар, ўтказувчилар, жиноят ташкилотчилари ва актив иштирокчилари, наркотикларни турли усуслар билан тарқатишни таъминловчилар каттиқ жавобгарликка тортилишлари лозимлиги ҳақидаги тушунтиришига амал қилмасдан, Р.нинг муқаддам бир неча маротаба жиноят содир этиб судланиб, жазо ўташ даврида яна шунга ўхшаш жиноят содир этганини инобатга олмасдан номутаносиб жазо тайинлаган.

Ваҳоланки, Р. бир гурух бўлиб, олдиндан жиноий тил бириктирган ҳолда ЖК 56-моддасида кўрсатилган айбни оғирлаштирувчи ҳолатларда жиноят содир этган.

ЖПК 484-моддаси 1-қисмининг 5-банди ва 489-моддасига мувофиқ жазоларнинг адолатсизлиги суд қарорларининг бекор бўлишига сабаб бўлади.

Шу сабабли Олий суд жиноят ишлари бўйича судлов ҳайъатининг 2007 йил 29 ноябрдаги ажрими билан Р.га нисбатан чиқарилган суд қарорлари бекор қилиниб, жиноят иши янгидан судда кўриш учун жиноят ишлари бўйича Бухоро вилоят судига юборилди.

ЖСҲ-353-07 сонли ажрим